



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

e-mail: uzas@b2c.uz

2011-yil 29-iyul • №31 (4118)

КЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДХИ

Она-Ватанга, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий мукамал кўшиқлар ҳар қандай инсон кўнглини уйғотиб юборади, эзгу ишларга ҳавас ва рағбат уйғотади. Президентимиз қарори билан уч йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан" кўрик-танловининг аҳамияти, айниқса бекиёс. Ушбу кўриқнинг қатнашчилари сафи йилдан-йилга ортиб, кўшиқлар савияси кўтарилмоқда.

Кўриқ-кеча "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тизимида ўтган "Ягонасан, муқаддас Ватан" кўрик-танловининг республика босқичи янги номларга бойлиги билан ажралиб турди. Танловда 26 эстрада хонандаси ўзaro куч синашди. Иштирокчиларнинг чиқишларини тажрибали бастакор, шоир ва санъатшунослардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолади. Мутахассислар матнларнинг бадиий мукамаллиги ва таъсирчанлиги, куйлардаги миллий оҳангларнинг ўзига хослиги, она-Ватанга, халққа бўлган муҳаббат, юртга садоқат, келажакка ишонч ғоялари нечоғли таъсирчан ифода этилганига ҳиддий эътибор бердилар.

Қатнашчилардан Заур Алиев, Феруза Рўзиева, Нафосат Шодиева, Комилжон Нейматов, Марат Содиқов, Элёр Маҳкамов, Шахло Аҳмедова, Дилфуза Тўраева, Шохруҳ Ганиев ижролари кўпчиликка манзур бўлди.

"Танлов давомида шу нарса қузатилдики, — деди ҳайъат раиси Р. Абдуллаев, — ақсар ижрочиларнинг овози яхши, ижро маҳорати ҳам ёмон эмас, лекин матн ва куй ўртасида уйғунлик суст. Баъзи ижроларда овоз мусиқа шовқини остида қолиб кетади. Бу эса профессионалик этишмаётганидан далолатдир. Албатта, дастурда Анор Назаров, Дилором Омониллаева, Баҳрулло Лутфуллаев каби таниқли композиторларнинг кўшиқлари ҳам янгради. Композитор ва бастакорларимиз фаволқилини оширишлари лозим.

Ўрни келганда тадбирнинг ташкилий томондан юксак савияда ўтганини алоҳида таъкидлаш керак".

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра профессионал ижрочилар орасида биринчи ўрин берилмади, иккинчи ўрин Дилноза Исмиямиянованинг "Ибрат" (Маҳмуд Тоир шеъри, Ақром Ибодуллоев мусиқаси) ва Маҳмуд Намозовнинг "Ўзбегим, онажон" (Шафоат Раҳматуллаев шеъри, М.Намозов мусиқаси) кўшиқларига берилди. Комилжон Нейматов ижросидаги "Инсон азиз" (Замира Рўзиева шеъри, К.Нейматов мусиқаси) кўшиғи учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ҳаваскор хонандалар ўртасида фарғоналик Шохруҳ Ганиев ижросидаги "Ватан" (Абдукарим Жўмабоев шеъри, Рустам Ҳақимов мусиқаси) кўшиғи биринчи ўринга лойиқ топилди.

Иккита иккинчи ўрин Феруза Рўзиева (Навоий) ва Марат Содиқовга (Самарқанд), учта учинчи ўрин Зарифа Алимулова (Фарғона), Алишер Халилов (Тошкент вилояти) ва Дилфуза Тўраевага (Тошкент шаҳри) насиб этди.

Г.ФАЙЗИЕВА



ЎЗБЕГИМ ХИРМОНЛАРИ

Дехқон елкасига ўхшаган қирлар,
Дехқон қафтларидай очилган чанок.
Эй, сиз бу оламда хирмони борлар,
Эй, сиз бу оламга бергани кўпроқ.

Эй, сиз манглайдан ёноқларига,
Менинг умрим каби терлари чопган.
Эй, сиз бошоқлари сутта тўлганда,
Азиз пешонасини уфқлар ўлган.

Эй, сиз кечаларин Хизр айланиб,
Денгиздай чайқалган далаларим-ей.
Милёнта садоқини шай тутган сарбоз,
Эй менинг бешиккаст қалъаларим-ей.

Бир елкага кетмон, бирига эса
Саратон офтобни тарвуздай қўйган.
Эй, сиз тонгдан шомга кетаётганда,
Кенгиш майдонларда бир ҳордиқ тўйган.

Кўнларни умридан бугудай сочса,
Орзуси дон терган, ўзи шон терган.
Менинг шоир кўнглим соғга қочса,
Ариқда поиларин ивигиб берган.

Эй, сиз "ҳайё-хуйт" деб, тут беланчақла,
Ўзингиз айтгансиз адалларимни.
Дунё чумчуқларин юрагин ёрай,
Шеър айтиб қўриқдай далаларингни.

Кўйнимдан тўқилса, қўнжимга, — дея,
Тўнини этагида бунёд этган чопш.
Хирмони тоғ бўлиб, сўнг шу қирлардан
Ўзга манзилларга йўл олар кўёш.

Оламда мусаввир, машоқ халқлар бор,
Эллар томошага навбатда турган.
Аммо! Ўзбек деган буюк дехқон бор,
Ўзбек эса доим хирмон кўтарган!

Шодмонқул САЛОМ

Назм ва наво кечаси

Пойтахтимиздаги "Истиқлол" саройида бўлиб ўтган икки кунлик "Назм ва наво" кечаси таниқли ижодкорларнинг ўзига хос байрам тўхфаси бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу байрам кечасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари А.Орипов, Э.Воҳидов, Халқ шоирлари М.Тоир, С.Сайиди, И.Мирзо ҳамда Ф.Афрўзларнинг юрт камоли, Ватан

истиқболи тараннуймига бағишлаб ўқиган шеърлари мухлислар томонидан қизгин кутиб олинди.

Кечада шунингдек, Озодбек Назарбеков, Маҳмуд Намозов, Ойбек Ҳамроқулов, Тожибар Азизова, Лола Аҳмедова ва бошқа таниқли хонандалар ўз кўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этди. Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишланган бундай байрам тадбирлари, ижодий кечалар юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.



Айло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган сурат.

САМАРҚАНД ЎЗРА ФЕСТИВАЛИ ШУКУҲИ

1997 йилдан буён Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бугунги кунда дунёдаги энг нуфузли санъат анжуманлардан бирига айланди. ЮНЕСКО, Халқаро мусиқа кенгаши ва Аёнанавий мусиқа бўйича халқаро кўмита томонидан қўллаб-қувватлаб келинаётган мазкур фестивал бу йил саккизинчи марта ўтказилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги "Le Grande Plaza" меҳмонхонасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирини Т.Кўзиев, шунингдек, ташкилотчилар анжуманида ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳусусида оммавий ахборот воситаларига маълумот берди.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллиятлар ва эллар ўртасида дўстона муносабатларни, ўзаро ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, санъат соҳасида қўллаб-қувватлаб, кўрик-танловларнинг ташкил этилиши ўзбек санъати довуруғини юксалтиришда, халқимизни жаҳон халқлари санъати намуналари билан таништиришда, ўзаро таъриба алмаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Самарқанд фестивалининг ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани бежиз эмас, — деди ўз сўзида Т.Кўзиев. — Зеро, бугунги глобаллашув даврининг энг муҳим воқеаларидан бири маданиятлар мулоқоти. Айнан шу доирадаги тадбирлар халқларнинг

руҳиятини бир-бирига яқинлаштиради. Фестивалнинг мустақиллигимизнинг 20 йиллиги кенг нишонланган кунларда ўтишида ҳам катта маъно бор. Бу фестивалга алоҳида кўтаринки руҳ бағишлайди.

Шу кунгача дунёнинг эллиқдан зиёд давлатидан бадиий жамоалар, хонанда ва созандалар фестивалга қатнашиш истагини билдирган. Улар орасида Буркина-Фасо, Бруней, Гамбия, Мадагаскар, Норвегия, Ирландия, Куба, Чехия, Сенегал, Хорватия каби мамлакатлар илк бор қатнашди.

Фестивал доирасида "Энг яхши миллий кўшиқ ижроси" учун танлов, илмий-ижодий анжуман, театрлашган томоша ҳамда гала концерт ўтказилди. Бу йилги илмий-ижодий анжуман "Шарқ халқлари маданиятини ўрганишда манбаларнинг ўрни" мавзусида бўлиб ўтди. Тадбир доирасида қоракалпоқ санъати, чолғулари, либослари кўргазмаси мўлжалланмоқда. Шунингдек, Австриянинг Зальсбург шаҳри фестивали кўргазмасини ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Анжуманнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларини дунёнинг юздан ортиқ мамлакатига тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш режалаштирилган. Фестивални ёритишга жалб этилган ОАВ ходимлари учун барча техник қулайликлар, замонавий коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилган. Шунингдек, фестивал якунида тадбирни ёритишда фаол қатнашган журналистлар мукофотлар билан рағбатлантирилади.

Гулчехра УМАРОВА

МУБОРАК ОЙ ФАЗИЛАТЛАРИ

Саодатманд айём — муборак Рамазон ойи бошимиз узра соя солиб турибди. Аввало, ана шу улғу айёмнинг кириб келиши билан барча ихлосманд халқимизни самимий муборакбод этамиз. Соғлиги, имконияти етарли бўлган мусулмонларнинг бу улғу ой рўзасини тутиб, ажру савобларга эга бўлишларини, имон-этиқод ва ихлослари янада ортиб, ўз маънавиятларини кучайтиришда ушбу ой рўзасининг фазилатларидан тўла фойдаланишларига аминимиз.

Парвардигор марҳаматини қарангки, Рамазон ойи бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик айёмига тўғри келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, энг улғу, энг азиз байрагимизни ҳар жиҳатдан покланиб, ёруғ юз ва очик чеҳра билан кутиб олиш имконига эга бўлиб турибмиз. Дарҳақиқат, Эркинлик шарофати ила миллий ва диний қадриятларимизга эришилди берилиб, Рамазон, Ҳайит каби ибодат ва маросимларни мукамал адо этиш, фазилатли кунлар шарофатидан кенгрок баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлди. Халқимиз учун меҳр-шафқат, саховат ва муруват, қаноат ва шукроналик рамзи бўлган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамияти эътиборга олиниб, ҳар йили муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш юзасидан Президентимиз томонидан махсус қарор қабул қилиниб, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, эл-юртимизга хос эзгу фазилатлар, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланиши ҳам хайрли аъёнларимиздан бирига айланди.

Давоми иккинчи саҳифада.

"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" СОЛНОМАСИ

ҚУТЛОВ

2007 ЙИЛ

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" китобида Амир Темур томонидан уюштирилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, "Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, газалу нақш айтур эдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва аҷамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эди", деган маълумотни келтиради.

Ўзингиз йўланг, азиз дўстлар, биродарлар, бундан олти аср аввал айнан мана шу Самарқанд заминида мавжуд бўлган маданий аъёнлар бугунги "Шарқ тароналари" фестивалининг руҳи ва ғояларига қанчалар уйғун ва ҳамоҳанг.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан.

"Шарқ тароналари" олтинчи халқаро мусиқа фестивали Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи тантаналари билан бирга ўтказилди. Фестивалга дунёнинг эллиқдан ортиқ мамлакатидан иштирокчилар ва меҳмонлар ташриф буюрди.

Шу пайтгача миллий чолғу асбоблари, мақом йўналишлари, Шарқ ва Фарб мумтоз мусиқаси тарихи ва унинг бир-бирига таъсири, мақом аъёнлари мавзусида конференциялар ўтказилган бўлса, бу гал фестивал анжуманлари "Ўзбек нотаси" китобининг тақдими ва аъёнанавий мумтоз мусиқа ва кўшиқлар ижрочилигига бағишланди.

Тантаналар бир вақтнинг ўзида дунёнинг эллиқ мамлакатига эфир тўлкинлари орқали тўғридан-тўғри узатилди.

Фестивалнинг олий мукофоти Гран-прига Мажди Талаат Мухаммад раҳбарлигидаги мусиқа институти гуруҳи (Кувайт) сазовор бўлди. Биринчи даражали мукофот Ким Геум Хеуи раҳбарлигидаги мусиқа институти гуруҳи (Жанубий Корея) санъаткорларига топширилди.

Иккинчи даражали мукофотга Леонардо Д'Амико раҳбарлигидаги гуруҳ (Италия) ва Адел Абдулла Аҳмед Осман раҳбарлигидаги «Ан-Нил» халқ чолғу асбоблари гуруҳи (Миср) ижрочилари муносиб топилди.

Учинчи даражали мукофотга Абу Бакар бин Хаджи Али раҳбарлигидаги «Сери Махарани Газал» гуруҳи (Малайзия), «Ратанг» (Кения) ва Хитой миллий ёшлар маркази гуруҳи сазовор бўлди.

Понаётис Кипряно, иштирокчи (Кипр)

— Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган фестивалда иштирок этганимиз. Аммо "Шарқ тароналари"нинг шукуҳи, фойзи бошқача эканига ишонч ҳосил қилиб турибман. Фестивал сабабли қадимий ва навқирон Самарқанд, унинг қадимий обидаларини кўриш, ўзбек халқининг бой мусиқа санъати билан яқиндан танишиш имконига эга бўлганимдан хурсандман. Бу ерда янграган тароналар ҳар бир кишининг миллий аъёна ва қадриятларга хурматини оширади, ҳамкорликка чорлайди.

Таъриф Хусайн Ҳошим, иштирокчи (Саудия Арабистони)

— Мамлакатларимиз ўртасида дўстона алоқалар бир неча асрлик тарихга эга. Юртдошларим Самарқандни дунё илм-фани, маданияти, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган шаҳар сифатида яхши билади. 2750 йиллик тарихга эга ушбу шаҳарда бўлиб, унинг гўзал ва бетакрор обидалари, сўлим табияти, меҳмондўст одамлари билан танишиб, бир олам таассуротга эга бўлди. Айниқса, шаҳар бозорларидаги тўқин-сочинлик, кишиларнинг очикқўнглиги бизга манзур бўлди. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали Самарқанднинг шон-шухратини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Абитуриент — 2011

ОМАД ЁР

Абитуриентнинг орзулар олами илк муҳаббат каби самимий ва беғубор. Унда агар ўқишга кирсам, яхши мутахассис бўлиб етишиш учун эртаю кеч ўқи-ўрганаман, деган эзгу истақ бор. Яна уларнинг кўнглида бироз ҳадик-хавотир бўлиши табиий, аммо кўзларида шижоат порлайди.

Ҳозирги давр ёшларига, шу жумладан, талаба бўлиш истагида китоб varaқлаб,

дафтар қоралаётган абитуриентларга ҳавасим келади. Улар Мустақиллик йилларида туғилиб, воғга етган, маънавияти янги замон муҳитида шаклланган, баркамол авлод вакиллари, озода ва обод юрт фарзандлари. Шу боисдан, онгу тафаккури, дунёқараши жуда кенг, мақсад ва орзулари юксак. Мана шундай истеъдодли, илм чўққилари сари интилаётган ёшларга ҳавас қилмай бўладими?



БЎДСИНИ!

Истиқлол йилларида Президентимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида таълим-тарбия соҳасида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди, умумтаълим мактабларининг моддий-

техника базаси мустаҳкамланди, таълим жарайинининг мазмуни тубдан такомиллаштирилди, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш изчил йўлга қўйилди, мухташам академик лицей ва касб-хунар коллежлари барпо этилиб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Давоми иккинчи саҳифада.

